2022 ЙИЛ–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 27 январь • №4 (1388)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## 2022-2026 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш мақсадида:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган:

2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари **1-иловага мувофиқ;**

2022-2024 йилларда фармацевтика соҳасида ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури **2-иловага мувофиқ;**

2022-2026 йилларда фармацевтика соҳасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати **3-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

2. Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) **4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.**

**Комиссия (С.Умурзаков):**

2022 йил 31 январга қадар мазкур фармонга 2-иловада назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш устидан ойлик мониторинг ўрнатиш ва уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш чораларини белгиласин;

бир ой муддатда мазкур фармонга 3-иловада назарда тутилган истиқболли лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда уларни амалга оширишни ташкил қилиш бўйича аниқ чоралар ва масъулларни белгиласин;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа ташаббускорлари, шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштирсин;

лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилиб, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин ва натижалари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига лойиҳалар ва ҳудудлар кесимида ахборот киритиб борсин.

Комиссияга жаҳон бозорининг конъюнктураси ва ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур фармонга 2-3-иловаларда келтирилган инвестиция лойиҳалар рўйхатини мунтазам равишда янги лойиҳалари ҳисобига тўлдириб бориш, зарур ҳолларда, уларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

фармацевтика соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини шахсан назоратга олсин;

ҳар ойда лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳа амалга оширилишини муҳокама қилиб, уларни белгиланган муддатда ишга туширишда амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриб борсин.

3. 2022 йил 1 апрелдан фармацевтика маҳсулотлари харидларига ажратилиши режалаштирилган Давлат бюджети маблағлари миқдори доирасида маҳаллийлаштириладиган фармацевтика маҳсулотларини уч йил муддатга шартнома тузиш орқали кафолатли харид қилиш механизми жорий этилсин. Бунда:

кафолатли харид қилиш шартномаларини тузиш бўйича танловлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан биргаликда шакллантирилган аввал республика ҳудудида ишлаб чиқарилмаган, истиқболда маҳаллийлаштириладиган субстанциялар, дори воситаларининг халқаро патентланмаган номлари (бундай ном бўлмаган тақдирда, мансуб дори воситалари гуруҳ номлари), тиббий буюмлар ва тиббий техникалар рўйхати (кейинги ўринларда – фармацевтика маҳсулотлари рўйхати) доирасида амалга оширилади;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун

## ҲАР БИР БЕМОР НАЗОРАТИМИЗ ОСТИДА БЎЛАДИ

*“Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни амалга оширишда соғлиқни сақлаш тизими, жонкуяр тиббиёт ходимларига таянамиз”.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



**Хабарингиз борки, тез кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун” мавзусида соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтади. Албатта, тизимдаги муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз – бу Сиз учун энг катта имкониятдир!**

Таъкидлашимиз жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёт тизимида самарали ишлар амалга оширилди. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг биринчи навбатдаги одилона сиёсатлари, аввало, инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ва бунинг баробарида соҳа ходимларининг меҳнатини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, унинг амалдаги исботи яқин кунларда ўзининг ёрқин ифодасини топишига ишончимиз комил. Чунки, тез кунларда йилнинг энг долзарб мулоқоти “Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтади.

Давоми 4-5-бетларда

## МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ: ЭЗГУ ҒОЯЛАР САРИ




### Бухоро вилояти

**Юртимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ижобий ҳал қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг фаолияти билан боғлиқ масалалар, тизимдаги муаммолар ва соҳани янада ривожлантиришга туртки берадиган ғоя ва таклифлар учун Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 1295 “Call-марказ”и иш бошлаган эди.**

Юртимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ижобий ҳал қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг фаолияти билан боғлиқ масалалар, тизимдаги муаммолар ва соҳани янада ривожлантиришга туртки берадиган ғоя ва таклифлар учун Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 1295 “Call-марказ”и иш бошлаган эди. Бухоро вилояти тиббиёт ходимлари ҳам соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшиш, мақсадида турли ғоя ва таклифлар билан мурожаатлар қилишда давом этишмоқда. Бугунги кунга келиб, жами вилоят миқёсида 678 та мурожаатлар келиб тушган бўлса, шундан 427 нафари тиббиёт ходимлари шифокор ва ҳамширалар,

Давоми 6-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# 2022-2026 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

фармацевтика маҳсулотлари рўйхати Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг интернет сайтларида жойлаштирилади ҳамда ҳар йили янгиланиб борилади;

кафолатли харид қилиш шартномаларини имзолаш учун ғолиблар очиқ танловлар орқали аниқланади ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу танловларда давлат буюртмачиси ва бенефициар мулкдори ҳисобланади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга тузилаётган кафолатли харид қилиш шартномалар доирасида олдиндан бўнак тўловларини ўтказишга рухсат берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Молия вазирлиги (Рахимова), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров) билан биргаликда уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан шаффоф танлов асосида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан уч йил муддатга шартномалар тузиш орқали маҳсулотларни кафолатли харид қилиш механизми ва аниқ шартларини белгилаган ҳолда давлат харидлари тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки:

а) фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш йўналишида:

2022 йил 1 апрелдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган янги фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш чекланмаган муддатга амалга оширилади, аввал берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалар, уларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан 15 кун муддатда амал қилиши муддатсиз бўлган гувоҳномаларга алмаштириб берилади;

2022 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли ташкилот томонидан расмийлаштирилган "Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)"га эга маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларини ва "ISO:13485" сертификатига эга ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган тиббий буюм ва тиббий техникани мажбурий сертификатлаштириш тартиби бекор қилинади. Бунда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг талабларга мувофиқлиги постмаркетинг назорати ва ихтиёрий сертификатлаштириш орқали амалга оширилади;

"Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" ДУКга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун қабул қилинган буюртмаларга кўра намуналар танлашни ҳудудлардаги сертификатлаштириш органлари экспертлари орқали амалга оширишга рухсат берилади;

б) фармацевтика соҳасидаги чекловларни камайтириш йўналишида:

донор қонини тўплаш ва унинг асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хусусий тартибда амалга оширишга тақиқ;

дори воситаларининг клиник тадқиқотларини соғлом кўнгиллиларда ўтказишга чеклов;

халқаро брендлар асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида таркиби бир хил бўлган дори воситаларини бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида ишлаб чиқаришга чекловлар бекор қилинади;

в) зарур амалиётлар (GxP) талабларини тизимли жорий этиш йўналишида:

2022 йил 1 апрелдан фармацевтика соҳасида янги ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари мос равишда "Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)", "Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)" ва "Зарур фармацевтика (дорихона) амалиёти (GPP)" талабларига мувофиқ равишда ташкил этилади;

фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларни зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаш муддатлари 2024 йил 1 январгача узайтирилади;

2022 йил 1 февралдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 75 фоизи улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасидан қоплаб берилади;

2023 йил 1 январдан фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харид танловларида фақатгина "Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)" стандартлари асосида дори воситаларини, "ISO:13485" стандартлари асосида тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришни ташкил этган ташкилотлар ва "Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)" стандартларини жорий этган улгуржи савдо ташкилотлари қатнашишига рухсат берилади.

5. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан дорихона ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун "тоза хоналар", сэндвич-панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиш, клиник-олди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан, дорихона ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоқлаш материаллари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар божхона божларидан озод қилинсин.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг:

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига (кейинги ўринларда – Кластер) туташ ҳудуддан қўшимча 80 гектар ер майдонини ажратиш ҳисобига Кластер ҳудудини кенгайтириш;

Кластер ҳудудини кенгайтириш учун ажратиладиган 80 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер участкаларини саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 80 гектар ер майдонининг ер фонди тоифасини ўзгартиришда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги компенсация тўловларини, истисно тариқасида ундирмаслик тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) икки ой муддатда:

мазкур бандда кўрсатилган ер участкаларини контурларини белгилаган ҳолда амалдаги фойдаланувчилардан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйиш ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда ер участкасининг "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси давлат муассасасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш;

Қурилиш вазирлиги (Закиров), "Ҳududий электр тармоқлари" АЖ (Мустафоев), "Ҳудудгазтаъминот" АЖ (Эшмуратов), "Ўзсувтаъминот" АЖ (Саифназаров) билан биргаликда янги ажратиладиган ҳудудларнинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси ва Кластер учун қўшимча ажратилган ер майдонида ўрнатилган тартибда ташкил этиладиган ишлаб чиқарувчи ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4574-сон қарори 7-бандининг "в" кичик банди ва 11-банди татбиқ этилсин.

8. Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков, Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) икки ой муддатда маҳаллий фармацевтика ташкилотларининг республика ҳудудида биофармацевтика йўналишидаги дори воситаларини тўлиқ цикл асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, субстанциялар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш ва халқаро стандартлар жорий қилинишини жадаллаштириш доирасидаги лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш бўйича "Йўл харита"сини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) Экспортни рағбатлантириш агентлиги орқали дори воситаларини "Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)" талаблари асосида ишлаб чиқарувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги чораларини жорий этсин:

2025 йил 1 январга қадар фармацевтика маҳсулотларини барча мамлакатларга, шу жумладан, чегарадош қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) 5 фоизидан (автомобиль транспортида ташиш ҳолатида) ва 7 фоизидан (темир йўл транспортида ташиш ҳолатида) кўп бўлмаган миқдорда қоплашга субсидиялар тақдим этиш;

экспорт қилувчи фармацевтика ташкилотлари томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига фоизсиз молиявий ресурслар тақдим этиш. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда бир йилгача муддатда йиллик 4 фоизли ставка (банк маржаси) билан ажратилади.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.Умурзаков) бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир инвестиция лойиҳасини муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши чораларини кўрсин.

11. 2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

рецептсиз фармацевтика маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш бўйича;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари С. У. Умурзаков ва Соғлиқни сақлаш вазири Б. А. Мусаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 январь

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори**

# ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастур доирасида диагностика ва даволашнинг янги стандартлари тасдиқланди, 75 минг нафарга яқин беморлар 40 миллиард сўмдан зиёд Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 100 фоиз инсулин билан бепул таъминланди, 200 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига 14 та ҳудудий эндокринология муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шу билан бирга, эндокринология хизматини республика бўйича ягона интеграциялашган тизим сифатида шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, қандли диабет касаллиги ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдамнинг самарали ҳамда замонавий тизимини шакллантириш, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикасини такомиллаштириш, аҳолига юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифатини ҳамда ушбу йўналишдаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш мақсадида:

**1. Қуйидагилар аҳолига кўрсатилаётган эндокринология хизматини ташкил этишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:**

а) академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) – ҳудудий тиббиёт муассасалари – туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари ўртасида тизимли узвий боғлиқликни таъминлаш;

б) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эндокрин касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш дастурларини амалиётга жорий этиш. **Бунда:**

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш;

оилавий шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали касалликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш кўламини кенгайтириш;

туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари тор соҳа мутахассислари фаолиятига эндокрин касалликларни эрта ташхислаш, асоратларининг олдини олиш алгоритмларини жорий қилиш;

в) қандли диабетга чалинган беморларнинг замонавий диспансер назорати (онлайн регистр) тизимини жорий этиш орқали ҳар бир бемор ҳолатининг мониторингини юритиш;

г) аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари, жумладан, болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларни йод препаратлари билан бепул таъминлаш орқали йод танқислиги касалликларининг самарали профилактикасини таъминлаш;

д) "Профилактика мактаблари"га тор соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда беморлар ва уларнинг оила аъзоларига эндокрин касалликни бошқариш усулларини ҳамда касаллик билан яшашни ўргатиш;

е) ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш орқали ҳудудларда ва Марказда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари улушини ошириш;

ж) эндокринология йўналишида илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини ошириш.

2. **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва мақсадли кузатишни таъминлаш учун қуйидагиларни назарда тутувчи тиббий кузатув ва патронажнинг янги модели жорий этилсин:

оилавий шифокорларни эндокрин касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича қайта тайёрлаш;

эндокрин касалликлар мавжуд оилаларга махсус тайёргарликдан ўтган патронаж ҳамширасини бириктириш; патронаж ҳамшираси томонидан эндокрин касаллиги бўлган, умумий ҳолати қониқарли ёки хавф гуруҳидаги аҳолини эрта аниқлаш ва дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш;

тиббий кузатув натижалари бўйича хавф омиллари юқори бўлган беморларни шифокор олди кўриги хоналари ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорларга йўналтириш;

эндокрин касалликлар бўйича хавф гуруҳига кирувчи беморлар устидан доимий кузатув ўрнатиш мақсадида барча тиббиёт бригадаларини глюкометр ва махсус тест япроқчалари билан таъминлаш;

ташхислаш ва даволаш мақсадида беморларни бир кунлик диагностик стационар кузатиш тизимини жорий этиш.

3. 2022-2024 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**4. Белгилансинки:**

а) ҳар йили камида бир марта 40 ёшдан ошган аҳоли қандли диабет ва диабет олди ҳолатлари учун мақсадли скринингдан ўтказилади ҳамда эндокрин касалликлар аниқланган беморлар билан мунтазам алоқа ўрнатилади. Бунда сурункали эндокрин касалликлар ривожланишининг олдини олиш учун эндокрин касалликларни даволашнинг замонавий клиник протоколлари ва алгоритмлари жорий этилади;

б) 2022 йил 1 февралдан бошлаб анъанавий ва масофавий (аралаш) усулда тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилади. Бунда:

патронаж ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорлар учун эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш бўйича икки ҳафталик ўқув курслари ташкил этилади;

эндокринолог шифокорларни қайта тайёрлаш учун уч ярим ойлик ўқув курслари йўлга қўйилади. Бунда улар дастлабки икки ярим ой давомида Марказда ўқитилади ҳамда бир ой давомида туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида амалиёт ўтайди;

ҳудудларда фаолият юритаётган эндокринолог шифокорларнинг малакасини ошириш учун бир ойлик ўқув курслари ташкил этилади;

в) 2022 йил 1 апрелга қадар:

зарур глюкометр, махсус тест япроқчалари ҳамда игналар марказлашган тартибда харид қилинади ва тиббиёт бригадаларига етказилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида белгиланган стандартларга мувофиқ жиҳозланган шифокор олди кўриги хоналари ташкил этилади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги эндокринолог шифокор хоналари зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 25 ёшгача бўлган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган беморлар аналоги инсулин ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситалари (глюкометр ва махсус тест япроқчалари) билан;

қандсиз диабет билан касалланган беморлар, соматотроп етишмовчилик билан касалланган болалар ҳаётий зарур махсус дори воситалари (десмопрессин ва ўсиш гормони) билан;

25 ёшдан ошган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган инсулинга муҳтож, шунингдек, қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган беморлар одам инсулини билан;

қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган ҳамда эҳтиёжманд сифатида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"да бўлган беморлар метформин дори воситаси билан бепул таъминланади;

б) беморларга бепул бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар марказлашган тартибда харид қилинади ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари орқали тақсимланади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат-хусусий шериклик асосида 2020 йилнинг 10 февралида "Тошкент шаҳрида намуна сифатида марказлаштирилган клиник диагностика лабораториясини ташкил этиш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш тўғрисида"ги 1-33К-сон концессия шартномаси имзолангалиги маълумот учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда концессия шартномаси доирасида 2022 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча поликлиника ва туман тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини марказлаштириш;

2022 йил якунига қадар тажриба сифатида ҳар бир ҳудуддан биттадан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси муассасаларининг лабораторияларини марказлаштириш ва давлат-хусусий шериклик асосида аутсорсингга бериш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) 2023 йил 1 апрелгача тажриба натижаларига мувофиқ лаборатория хизматини яхшилаш юзасидан асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**7. Белгилаб қўйилсинки:**

тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, глюкометр, махсус тест япроқчалари ва игналар, десмопрессин, ўсиш гормони, аналоги инсулин, одам инсулини ҳамда метформин махсус дори воситаларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йилда соғлиқни сақлаш тизими учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан;

шифокор олди кўриги ва эндокринолог шифокор хоналарини ташкил этиш ҳамда зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, марказий лабораторияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқ тегишли ҳудудларда 2022-2024 йилларда эндокринология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги катталар ва болалар шифокор эндокринологи лавозимларининг штат меъёрларини бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) Молия вазирлиги (Ж.Абруев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Б.Умурзаков) билан биргаликда бир ой муддатда оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари штат меъёрларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев) билан биргаликда Марказ ҳамда унинг кўп тармоқли клиникаси янги бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини 2022 йил 1 майга қадар якунлаш чораларини кўрсин.

Бунда замонавий талаблар асосида зарур йўналишдаги бўлимларни, шунингдек, махсус лабораторияларни яратишни назарда тутган ҳолда қурилиш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланиши таъминлансин.

11. Қуйидагилар Марказнинг эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва даволаш соҳасидаги қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

метаболик синдром йўналишида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

метаболик жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш, эндокрин касалликларни рентгенэндоваскуляр ташхислаш ва даволаш ҳамда буйрак усти безларига жарроҳлик аралашувининг каминвазив эндовизуал усулларини жорий этиш;

дори воситаларининг ножўя таъсирини ўрганиш ва минималлаштириш доирасида марказлашган клиник синовлар менежменти ва сифат назорати тизимини яратиш;

хорижий давлатларнинг мазкур соҳадаги илмий ташкилотлари ва марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда биргаликда тадқиқотларни олиб бориш;

коронавирусда қандли диабетнинг кечишини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиб, унинг олдини олиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш;

соҳа мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини кўллаб-кувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказ ҳамда ҳудудий тиббиёт муассасаларидан шаффоф танлов асосида танлаб олинган 50 нафаргача эндокринолог мутахассисларни ҳар йили нуфузли хорижий эндокринология марказларида малака оширишга юбориш, шунингдек, Марказнинг илмий малака кенгаши фаолиятига етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда:

соғлиқни сақлаш муассасаларида пуллик хизматларни ривожлантириш ҳамда тиббий хизматлар нархларини бозор механизмлари асосида шакллантириш;

ҳудудий эндокринология диспансерлари фаолиятида ҳар бир даволанган ҳолат асосида молиялаштириш механизмини, беморларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) икки ой муддатда эндокринология соҳасида махсус дори воситалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, глюкометр ва махсус тест япроқчаларини республикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича махсус туркум дастурларни вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқсин ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиб борсин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

Бунда эндокрин касалликларда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, дори воситаларини ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини қўллашга оид махсус кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар ва роликларнинг мунтазам намойиши йўлга қўйилсин.

17. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.Мусаев, Марказ директори Ф.Тураев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 26 январь

Фарғона вилояти

Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун

# ҲАР БИР БЕМОР НАЗОРАТИМИЗ ОСТИДА БЎЛАДИ





Юртбошимиз ўзларининг доимий чиқишларида “Халқимиз биздан рози бўлиши керак” деган фикрларини такрор ва такрор айтадилар. Шу ўринда ҳақли савол туғилади? Халқимиз соғлиқни сақлаш тизимидан розими? Бир сўз билан айтганда, халқимиз ҳали соҳа фаолиятидан тўлақонли рози эмас.

Шундай экан, соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш учун илғор ташаббус ва ғоялар, жиддий ёндашувлар зарур. Давлатимиз раҳбари буни тизим вакилларидан кутяпти. Шу мақсадда олим, шифокор, ҳамшира, фармацевт ва санитария-эпидемиология хизмати вакиллари билан “Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун” мавзусида очиқ мулоқот ўтказиш режалаштирилган. Мазкур очиқ мулоқот бўйича ҳудудлар кесимида 1295 “Call-марказ”лари фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев бошчилигида вазирлик мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ ушбу тадбир олдидан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятидаги даволаш муассасаларида бўлиб, ҳудудда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари билан учрашди. Вазир аввало, Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган соҳа ходимлари билан учрашиб, мулоқот аввалида юртимиздаги эпидемиологик вазият ҳақида қисқача тўхталди. Шунингдек, касалланишлар сони ортиб бораётгани ва бунинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди. Вазиримиз “Ҳозир ҳар бир бемор назоратимиз остида” эканлигини алоҳида таъкидлаб, уларнинг соғайиши, қолаверса, бошқаларга бу хавфли вирус юқмаслиги учун зарур чоралар кўрилаётганлигини айтиб, вакцинация — коронавирус инфекцияси кенг тарқалиб кетишига қарши энг самарали чора эканлигини ва бу тўлиқ босқичда, қолаверса, бустер дозада эмланганларнинг касалликка қарши курашувчанлик қобилияти ошишига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга мамлакатимизга кириб келган



янги штамм ҳақида гапириб, у аввалги вариантларга нисбатан анча енгил ўтаётганлигини таъкидлади. Вазир Беҳзод Мусаев ўз сўзларини давом эттирар экан, қуйидаги фикрларга атрофлича тўхталди. Стационар шароитда даволанаётган 90-95 фоиз беморларда ҳам ўпканинг нафас олиш кўрсаткичи пасайиши ва пневмония белгилари кузатилмаяпти. Энг муҳими, вирусга қарши ремдесивир ва бошқа дори воситаларига бўлган эҳтиёж камайган. Шундан келиб чиқиб, даволаш протоколига ҳам ўзгариш киритдик. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳар бир туман ва шаҳар бўлимларида ҳам ҳар куни 24 соат давомида бепул ПЗР-тест топшириш шароити яратилган. Бизда коронавирусга қарши курашиш борасида тажриба ҳам, имконият ҳам етарли. Учрашув давомида коронавирусга чалинган беморларни уй шароитида даволашнинг аҳамияти, афзалликлари хусусида ҳам сўз юритилди. Шундан сўнг кун тартибидаги асосий масала — Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотига тайёргарлик жараёни ҳақида фикр алмашилди. Қайд этилганидек, шу кунгача очиқ мулоқотга Фарғона вилоятидан жами 430 та мурожаат келиб тушган. Шундан 317 таси бевосита тиббиёт ходимларига тегишли. Вазир йўлланган ҳар бир мурожаат ечими билан қизиқди. Соҳа вакилларининг таклифларини инобатга олди. Соғлиқни сақлаш ходимларининг иш шароитини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, тиббиёт йўналишидаги қурилиш-реконструкция ишларини якунига етказиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни тезкор ва жойида ҳал этиш учун тизим мутасаддиларига тегишли топшириқлар берди.

*Савол-жавоблар якунида келгусида тиббиёт тизимида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.*

# ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР НАМАНГАНДА ҲАМ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ





Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишчи гуруҳи Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфида фаолият олиб бораётган соҳа ходимлари меҳнати билан танишиб, учрашувлар олиб боришди. Албатта, таклиф ва ташаббуслар қуйидан чиқиши керак. Шундагина янгиланишлар кутилган натижани беради. Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтадиган очиқ мулоқоти худди шу мақсадга қаратилган. Ишчи гуруҳ жойлардаги даволаш муассасаларида бўлиб, яратилган шароитлар ҳамда соҳа ходимларининг очиқ мулоқотга йўлланган мурожаатлари ечимини ўрганишди. Шифокор ва ҳамширалар, фармацевтлар, санитария-эпидемиология хизмати вакиллари билан учрашувда тизимга доир муаммоларнинг тезкор ва жойида ҳал этилиши чоралари кўриляпти. Навбатдаги учрашув Наманган вилоятида ташкил этилди. Унда ҳудудда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари иштирок этди. Тадбирда алоҳида айтилганидек, ҳозир очиқ мулоқотга йўлланаётган таклиф ва мурожаатлар сони бўйича Наманган вилояти республикамизда биринчи ўринда бормоқда. Яъни шу кунгача улардан 1204 та мурожаат келиб тушган. Бу, аввало, наманганлик тиббиёт ходимларининг фаоллиги, соҳа ривожига бефарқ эмаслигини кўрсатса, иккинчидан, ҳудудда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўплигини англатади. Учрашувда тиббиёт соҳасини халқимизни рози қиладиган, “Инсон қадри учун” ғоясига хизмат қиладиган тизимга айлантириш бош мақсад эканлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, бирламчи тиббиёт бўғини фаолияти янада тако-



миллаштирилади. Оилавий поликлиника ва қишлоқ шифокор пунктлари эрталаб очилиб, тушдан кейин фаолиятини якунлайдиган эмас, аксинча аҳолининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлайдиган тизимга айлантирилиши керак. Ҳозир бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Қолаверса, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам тизимида йўлга қўйилган ягона диспетчерлик хизмати тажрибасини Наманган вилоятига ҳам татбиқ этиш мақсад қилинган. Ҳудудда юқори технологик тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш, соҳада хусусий сектор ривожини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Мулоқот чоғида юртимиздаги мураккаб эпидемиологик вазият, бунга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар, вакцинация жараёнларининг аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Шундан сўнг соҳа вакилларининг таклифларига қулоқ тутилди. Мулоқот давомида иш ўринлари, меҳнат шароити, кадрлар малакаси, тиббий ускуна ва жиҳозлар таъминоти каби масалалар юзасидан мурожаатларни тезкор ҳал этиш учун тизим мутасаддиларига тегишли кўрсатмалар берилди. Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда Наманган вилоятида 234 та даволаш-профилактика ва ёрдамчи муассасалар фаолият юритмоқда. Уларда 4 700 нафарга яқин шифокор ва 28 500 нафардан зиёд ўрта тиббиёт ходими аҳолига тиббий хизмат кўрсатяпти.

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун

# ИШЧИ ГУРУҲ ТИББИЁТГА ОИД МУРОЖААТЛАРНИ ЎРГАНДИ



***Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, одамларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.Айни шу мақсадда, давлатимиз раҳбарининг олимлар, шифокорлар, ҳамширалар, фармацевтлар, санитария-эпидемиология хизмати вакиллари билан “Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун” мавзусида очиқ мулоқот ўтказиш режалаштирилган.Мазкур тадбир олдидан Республика Соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев бошчилигида вазирлик мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ Наманган вилоятидаги бир қатор шифо масканларида бўлиб, ҳудудда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ҳамда фуқаролар билан учрашди.***

Мулоқотда, айни кунларда мамлакатимиздаги мавжуд эпидемиологик вазият, коронавирус инфекциясининг янги штамми ҳамда касалликка чалинган беморларни уй шароитида даволашнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Сўнгги кунларда, мамлакатимизда, хусусан Наманганда ҳам вирус юқтириш билан боғлиқ кўрсаткичлар ортиб бораётгани ва бунинг олдини олишнинг ягона самарали йўли эмланиш экани қайд этилди. Таъкидланганидек, вилоятдаги ҳар бир бирламчи тиббий бўғин – оилавий поликлиникалар фаолияти кучайтирилиб, уларда бепул ПЗР-тест топшириш йўлга қўйилади. Мулоқотда Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотига тайёргарлик жараёни ҳақида фикр алмашилди. Маълумот ўрнида, шу йилнинг 20 январига қадар 1295 рақамли “Call-маркази”га мамлакатимиз бўйича энг кўп – Наманган вилоятидан жами 1 минг 795 та мурожаат келиб тушган. Шундан 602 таси фуқароларга, 1 минг 193 таси эса бевосита соғлиқни сақлаш ходимларига тегишлидир. Тиббиёт ходимларидан юборилган мурожаатларнинг 362 таси ижобий ҳал этилди. Қолаверса, соҳани ривожлантиришга қаратилган 764 та таклиф билдирилди.

*– Халқимиз соғлиқни сақлаш тизимидан ҳали тўлақонли рози эмас,* **– дейди Чуст туманидаги “Oxygon” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Беҳруз Назиров.** *– Соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш учун эса илғор ташаббус ва ғоялар, креатив ёндашувлар зарур. Буни изчиллик билан амалга оширишда хусусий секторнинг ўрни борлигини унутмаслик керак. Шу маънода, туманимиздаги “Ёрқишлоқ” ҳудудида жойлашган собиқ юқумли касалликлар шифохонасининг бўш турган биноси ўрнида давлат-хусусий шериклиги асосида янги сиҳатгоҳ ташкил этиш ташаббусини билдирган эдим. Камида 20 кишининг бандлигини таъминлайдиган ушбу режа қўллаб-қувватланганидан хурсандман.*

Тадбир давомида даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш; уларда штатларни қайта кўриб чиқиш ва бандликни таъминлаш; зарур бўлган аҳоли пунктларида тиббий муассаса ёки ходимлар фаолиятини йўлга қўйиш; ногиронлиги бор кишилар учун махсус ижтимоий дорихона очиш, олий ҳамширалик курсларини тамомлаган ҳамшираларнинг аниқ функциялари ва лавозимларини белгилаш; туғруқ комплекси, репродуктив ва перенатал марказлари фаолиятини ўзаро уйғунлаштириш каби масалаларни ҳал этиш бўйича топшириқлар берилди.



**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев ва Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразаков Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимига бордилар. Бу ерда “Call centre” – тез тиббий ёрдам чақирув марказидаги қизғин фаолият билан танишилди.**

Бу ташриф бежиз эмас, боиси бутун жаҳонда пандемия давом этаётган, камига мавсумий касалликлар ва сурункали касалликлар хуруж қилган шу кунларда шошилинч тиббий ёрдамга мурожаатлар сони кўпайган. Беморларнинг илк қўнғироқларига жавоб берувчи ҳамда тегишлилиги бўйича ҳудудларга Тез ёрдам машинасини юборувчи ишчи-ходимлар 24 соатлик тартибда ўз вазифаларини адо этмоқдалар. Вазир ҳамда вилоят ҳокими соҳани ривожлантириш масаласини муҳокама қилдилар.



# АНДИЖОН ТИББИЁТДА НАМУНАВИЙ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИЛАДИ



**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев Фарғона вилоятидаги хизмат сафаридан сўнг, Наманган ва Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ташриф буюриб, у ерда ҳам соҳа ходимлари билан учрашув ўтказди.**

Энг чекка қишлоқларда яшовчи аҳоли ҳам сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиниши шарт! Мамлакатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизими олдига қўйётган талаби шундай! Бунинг учун эса соҳада ҳали кўп ислоҳотларга эҳтиёж бор. Масалан, бугун Андижон вилояти тиббиёт муассасалари фаолиятида қандай муаммолар бор? Аҳоли кўпроқ нимадан норози? Шифокору ҳамшираларни қайси масалалар ташвишга солмоқда? Оғриқли нуқталар қаерда? Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳ бу саволларга жавоб топиш ҳамда мавжуд муаммоларни жойида тезкор ҳал этиш мақсадида Фарғона ва Намангандан сўнг Андижон вилоятига келди. Ўрганишлардан кўзланган асосий мақсад аниқ. Президентимиз яқинда тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказмоқчилар. Ҳозир бу тадбир олдидан соғлиқни сақлаш тизими вакилларининг таклифлари қабул қилинмоқда. Ўз навбатида, йўлланган мурожаатларда акс этган масалалар ўрганилиб, ўз ечимини топаяпти. Ишчи гуруҳ Андижон вилоятидаги қатор даволаш муассасаларида бўлиб, уларда яратилган шароитларни ўргангач, ҳудудда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари билан мулоқот ўтказди. Унда қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятда ўтказилган сайловолди учрашувида аҳоли соғлиғини асраш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш бўйича Андижонни намунавий ҳудудга айлантириш хусусида сўз юритган эдилар. Бунинг учун, аввалömбор, бирламчи тиббиёт бўғини такомиллаштирилиб, жойларда янги оилавий поликлиника ва оилавий шифокор пунктларини ташкил этиш, мавжуд тиббиёт муассасаларини тўлиқ таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Қатор туманларда перинатал ҳамда ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилиши мақсад қилинган эди. Шунингдек, вилоятда аҳолига юқори технологик тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кескин кенгайтириш, хусусий тиббиёт муассасалари сонини кўпайтириш режалаштирилган. Учрашувда Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотига Андижон вилоятидан 988 та мурожаат келиб тушгани, шундан 546 таси соғлиқни сақлаш тизими ходимларига, қолган қисми эса фуқароларга тегишли эканлиги айтилди. Шу билан бирга, ишчи гуруҳ мамлакатимизда коронавируснинг янги штамми кенг тарқалишининг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги муҳим тавсиялар ҳақида тўхталди. COVID-19 билан касалланиш ҳолатлари кўпайиши туфайли пойтахт тажрибаси асосида Андижонда ҳам куну тун ишлайдиган махсус поликлиникалар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилаётгани ҳам айтилди. Шундан сўнг савол-жавоблар давомида мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш, иш ўринлари, меҳнат шароити, кадрлар малакаси, тиббий ускуна ва жиҳозлар таъминоти, тиббий кўрикларни ташкил этиш каби масалалар юзасидан мурожаатларни тезкор ҳал этиш учун тизим мутасаддиларига тегишли кўрсатмалар берилди.



**Учрашувда Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдураҳмонов ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири Б.Мусаев иштирок этди ва сўзга чиқди.**

Давоми. Боши 1, 4-бетларда

**Газетанинг 1, 4-5-саҳифаларидаги материалларини журналист Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ДАВОМ ЭТАДИ




***Ўзбекистон - Европа Иттифоқи***

***Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари янада кенгаймоқда. Натижада қатор йўналишларда қўшма дастурлар ва истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилялти.***

Хусусан, тиббиёт соҳасида ҳам ўзаро муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда. Айниқса, коронавирус пандемияси даврида ЕИнинг Ўзбекистонга кўрсатган амалий ёрдами катта бўлди. Соғлиқни сақлаш вазирлигида Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Шарлотта Адриан хоним билан ўтказилган учрашувда ушбу йўналишдаги ишлар ва келгусидаги режалар муҳокама этилди. Мулоқотда қайд этилганидек, Ўзбекистон томони мамлакатимизга 10,4 миллион евро миқдорида инсонпарварлик ёрдами, яъни 1,3 млн. доза COVID-19 га, 1,8 млн. доза одам папиллома вирусига қарши вакциналар тақдим этгани учун Европа Иттифоқидан миннатдор. Бундан ташқари, мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2020 йил августдан ЖССТ ва ЕИнинг умумий қиймати 2,2 млн. еврога тенг қўшма лойиҳаси доирасида бирламчи тиббиёт муассасаларига 60 тонна миқдорида коронавирусдан ҳимояланиш воситалари етказиб берилганини ҳам алоҳида қадрлайди. Шу билан бирга, тиббий таълим йўналишидаги алоқалар ҳам ривожланиб боряпти. Чунончи, тиббиёт олий ўқув юртлари ўртасида 30 дан ортиқ шартнома ва меморандумлар имзоланган. Қўшма таълим дастури рўёбга чиқарилялти. Келгусида онални ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида ЕИга аъзо давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсад қилинган. Бунинг учун Европа стандартлари асосида скрининг, оналик ва болалик хизматининг замонавий симуляция марказларини яратиш, Ўзбекистон ҳамшираларини ЕИга аъзо мамлакатларда малака ошириш, қолаверса, ишлаш учун тайёрлаш, Европанинг етакчи тиббиёт университетлари профессор-ўқитувчиларини юртимизга жалб қилиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Шарлотта Адриан хоним самимий мулоқот ва қабул учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларига миннатдорлик билдирди.

# ТИББИЁТДА ЯНГИ ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

***Ўзбекистон – Туркия***

***Туркия — Ўзбекистон билан ишончли ҳамкор, стратегик шерик. Икки томонлама алоқалар барча йўналишлар, хусусан, тиббиёт соҳасида ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Айниқса, коронавирус пандемияси даврида касалликка қарши курашишда Туркия бизга яқиндан амалий кўмак кўрсатмоқда.***

Турк мутахассисларининг юртимизга келиб даволаш ва профилактика жараёнларида иштирок этиши, онлайн маслаҳатлашувлар орқали билим ҳамда тажриба алмашиши, COVID-19га қарши ҳимоя воситалари, тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар ҳамда 200 минг доза “Sinovac” вацинаси тақдим этилиши шулар жумласидан.




Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олган Бекар билан бўлиб ўтган учрашувда ўтган даврда тиббиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик натижалари ҳамда келгусидаги режалар муҳокама этилди. Қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларида Ўзбекистон-Туркия форуми ўтказилиб, тиббиёт муассасаларимиз ўртасида ҳамкорлик бўйича 10 та шартнома имзолангани бугун ўз амалий самарaларини бермоқда. Қолаверса, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) кўмагида жойларда беморлар учун тиббий кўриклар ташкил этилиб, уларда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилаётгани ўзаро муносабатларнинг яна бир муҳим йўналишидир. Шунингдек, тиббий таълим соҳасида ҳам алоқаларимиз кенгаймоқда. Мутахассисларимиз Туркиянинг нуфузли клиникаларида малака ошириб қайтишмоқда. Бухоро тиббиёт институти негизида Туркия Тиббиёт фанлари университети билан ташкил этилган қўшма факультет фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда элчи жаноблари Туркия томони Ўзбекистон билан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни янада изчил ва юқори суръатда давом эттиришга тайёр эканлигини қайд этиб, янги қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга доир таклиф ва мулоҳазаларини баён этди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати**

**Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун**

# МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ: ЭЗГУ ҒОЯЛАР САРИ







**Давоми. Боши 1-бетда**

251 нафари эса бевосита ўзларининг муаммолари ёки кўрсатилган тиббий хизматдан миннатдор бўлиб, мурожаат қилган фуқаролардир. 1295 “Call-марказ”ига келиб тушаётган мурожаатлар, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг тизимида тиббиёт муассасалари раҳбарлари томонидан белгиланган муддатларда зудлик билан ижроси таъминланмоқда. Айниқса, мурожаатларни ўз вақтида ижобий ҳал этаётган Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Жондор туман тиббиёт бирлашмасининг раҳбариятини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тиббиёт ходимлари томонидан келиб тушган мурожаатларнинг 305 таси таклифлардан иборат.

Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этилаётган 1295 “Колл” марказининг фаолияти, мурожаатларнинг мазмуни уларга ечими топиш борасида таклифлар қабул қилиш ва ижронинг аҳволи қандайлиги борасида видеоконференциялар, ўтказиб келинаётган таҳлиллар ўз самарасини бермоқда. Ўз вақтида тиббиёт тизимида кўп йиллар меҳнат қилган, ҳозирда меҳнат нафақасида бўлган Бухоро шаҳар, О. Хўжаев кўчасида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси С. Мамадев томонидан 2021 йил 27 декабрь куни 1295 “Call-марказ”ига тиббиётни янада ривожлантириш, уни халқимизга янада яқинлаштириш борасида ўзининг қуйидаги таклифларини илгари суриб кўнғироқ қилган. Тиббиёт ходимларининг фаолияти мобайнида расмийлаштириладиган, тиббий ҳужжатлар сонини камайтириш, зарур маълумотларни замонавий ахборот-технологияларида асосланган ҳолда ташкил этиш, пировард натижада тиббиёт ходимларининг аҳоли билан жонли мулоқотлари учун кўпроқ вақт ажратилишига ҳамда бемор парваришга кўпроқ вақт ажратилиши имконияти яратилади.

Шунингдек, бирламчи тиббиёт тизимига замонавий диагностик асбоб-ускуналарини ажратиш ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириб бориш орқали халқимизга самарали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишга эришиш борасида таклифлар киритган.

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан тиббиёт ходимлари билан “очиқ мулоқот” учрашувларини ташкил этилиши, янги Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг ривожига, халқимиз тиббиётдан розилигига эришиш борасида катта муваффақиятлар гаровидир!

**Асқар БАХРОНОВ,**
**Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқнип сақлаш бошқармасининг бошлиғи**
**Маъмурахон САФОЕВА,**
**бошқарма бош мутахассиси.**



# ВСПЛЕСК ЗАБОЛЕВАНИЙ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ ИЗ-ЗА КОВИДА



*Актуальная тема*

***Слабость, постоянная сонливость, сухость кожи, выпадение волос, плаксивость или раздражительность могут быть симптомами таких недугов. Перенесённый человеком ковид может вызвать заболевание щитовидной железы — тиреоидит. Об этом рассказала врач – диетолог-эндокринолог Юлия Бурякова.***

"Иммунитет может начать работать против какого-то органа, в нашем случае это щитовидная железа. На фоне или сразу после перенесённой коронавирусной инфекции может дебютировать аутоиммунный тиреоидит. Симптоматика разная. В зависимости от фазы тиреоидита", — объяснила она.

При появлении характерных симптомов заболеваний щитовидной железы – немотивированной слабости, утомляемости, сонливости после здорового сна, сухости кожи, выпадения волос, усиленного сердцебиения, апатии, плаксивости, раздражительности – необходимо незамедлительно обращаться к профильному специалисту.

Врач уточнила, что слабость, постоянная сонливость, сухость кожи, выпадение волос, плаксивость или раздражительность могут оказаться симптомами болезней щитовидной железы. Это повод обратиться за помощью к специалисту.

**Татьяна МИССУМИ,**
**Life.ru.**

# БОЛЕЕ ТРЕТИ ЭКСПРЕСС-ТЕСТОВ НА COVID-19 МОГУТ ДАВАТЬ ЛОЖНО-ПОЛОЖИТЕЛЬНЫЙ РЕЗУЛЬТАТ



*Здравоохранение*

***ПЦР-тесты стали золотым стандартом диагностики коронавируса, но из-за высокой стоимости и длительной обработки результатов во многих странах для скрининга широко используют экспресс-тесты на антиген к SARS-CoV-2. Новое исследование показало, что это не самая надежная альтернатива. Результаты опубликованы в JAMA Network.***

Тесты на антиген коронавируса распознают его определенные поверхностные белки, они предназначены для диагностики активной инфекции SARS-CoV-2. Основные преимущества тестов на антиген коронавируса перед ПЦР-тестом – скорость получения результата (от 5 до 15 минут), относительная дешевизна и простота, для их проведения не требуется лабораторное оборудование. ВОЗ рекомендует применять экспресс-тесты в случаях, когда ПЦР-тесты недоступны или их нецелесообразно применять из-за долгого времени ожидания результатов.Чтобы оценить потенциал экспресс-тестов, ученые Университета Торонто проанализировали более 900 тысяч результатов, полученных в период с января по октябрь 2021 года. За этот период в Канаде прошли две крупные волны заболеваемости COVID-19, и тесты на антиген к коронавирусу широко применялись для тестирования работников предприятий. В общей сложности было выявлено 1322 положительных результата, из них 1103 были подтверждены ПЦР-тестом. По оценкам ученых, 42% результатов были ложно-положительным, то есть человек получил ошибочный диагноз.

По мнению ученых, частично это может быть связано с некорректным проведением теста, однако не менее 60% ложно-положительных результатов произошли из-за низкого качества тест-систем. В частности, 278 ошибочных результатов были получены тестами из бракованной партии. «Наше исследование дает больше данных для обсуждения вопроса о том, приведут ли экспресс-тесты к слишком большому количеству ложно-положительных результатов, которые могут превысить возможности ПЦР-тестирования в других условиях», — написали ученые. Они подчеркнули, что органы здравоохранения должны создавать комплексную систему для оперативного выявления некачественных и бракованных тестов.Похожее исследование провели в прошлом году ученые из Австралии, по их оценкам, экспресс-тесты могут давать ложный результат в каждом четвертом случае. Специалисты рекомендовали проявлять осторожность при использовании тестов на антиген к SARS-Cov-2, особенно в уязвимых группах пациентов, и подтверждать положительные результаты ПЦР-тестом.

Как сообщил МедПорталу директор научного центра молекулярно-генетических исследований ДНКОМ Андрей Исаев, точность всех экспресс-тестов оставляет желать лучшего, за исключением тестов на беременность (ХГЧ) и уровень глюкозы. Использовать для домашнего использования наборы, купленные в ближайшей аптеке и принимать решения по их результатам не стоит, считает эксперт.

*«Если вы едете в джунгли Амазонки, то экспресс-тест — это лучше, чем ничего. Но по-хорошему они должны применяться только в условиях, когда медицинские сотрудники недоступны или есть неквалифицированные. Поскольку традиционно такие тесты закупали страны Азии и Африки, а производят их в основном в Китае масштабными партиями, многие из них сомнительного качества».*

**Андрей ИСАЕВ,**
**директор научного центра молекулярно-генетических исследований ДНКОМ.**



# ВИТАМИН D МОЖЕТ УМЕНЬШИТЬ ПРИСТУПЫ МИГРЕНИ

*Витамины*

***Витаминные добавки могут влиять на количество приступов головной боли и количество дней с головной болью в месяц.***

Известно, что мигрень (или гемикрания это неврологическое заболевание, которое проявляется сильной односторонней головной болью. Длительность приступа, который может также сопровождаться тошнотой, рвотой и увеличенной чувствительностью к свету и звуку, обычно длиться от 4 до 72 часов.Мигрень возникает у 1 из 5 женщин и 1 из 15 мужчин. В среднем от болезни страдает 14% европейцев. У ученых есть различные предположения, почему возникает мигрень, но точные причины науке пока неизвестны. Исследователи борются за качество жизни пациентов и постоянно ищут новые способы лечения этого заболевания. Так, Чен Ху из Чунцинской больницы традиционной китайской медицины и его коллеги провели систематический обзор рандомизированных контролируемых исследований, изучающих влияние витамина D на пациентов с мигренью. В этот обзор были включены данные шести рандомизированных контролируемых испытаний с участием 301 пациента. Исследователи обнаружили, что добавка витамина D может уменьшить количество приступов головной боли в месяц, количество дней с головной болью в месяц и количество баллов по опроснику оценки нарушений жизнедеятельности при мигрени по сравнению с контрольной группой. Но прием витамина D никак не влияет на продолжительность приступа или тяжесть головной боли.

«Наш анализ основан только на шести рандомизированных контролируемых испытаниях, и все они имеют относительно небольшие выборки пациентов. Нам нужно больше рандомизированных контролируемых испытаний с большими выборками пациентов, чтобы изучить этот вопрос», — уточняют авторы исследования.

**Екатерина МАЗЕИНА.**



# ДЕФИЦИТ КАКОГО ВЕЩЕСТВА ГРОЗИТ ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ

*Врач предупреждает*

***Врач-диетолог Ирина Рыль: дефицит селена в организме — самая частая причина ишемической болезни.***

Значимую роль для работы человеческого организма играет селен, а дефицит этого вещества может привести к серьезным проблемам и заболеваниям, **заявила РИА Новости врач-диетолог Ирина Рыль.**

"Селен — мощный антиоксидант. Обладает способностью предотвращать повреждение ДНК, обеспечивать укрепление иммунной системы и разрушать раковые клетки. Селен позволяет устранить воспалительные процессы в организме и снизить уровень маркера воспаления CRP (С-реактивный белок - прим. ред.). Согласно результатам исследований, ишемическая болезнь сердца в большинстве случаев вызвана низким уровнем селена в крови. И теория свободных радикалов это подтверждает", — рассказала Рыль.

"Дефицит селена в организме может привести к возникновению таких заболеваний, как аутоиммунный тиреоидит и гипотиреоз. У людей с болезнью Альцгеймера выявляется критически низкий уровень селена. В то время как употребление его в терапевтической дозе позволяет улучшить ситуацию. Селен является антагонистом мышьяка, защищает организм от воздействия кадмия, свинца, таллия, ртути. Преимуществом селена является то, что он реактивирует витамины С и Е обратно в их активное состояние, поэтому селен, витамины С и Е, а также цинк хорошо сочетаются в один прием, усиливая действие друг друга", – **отметила врач-диетолог.**

**Специалист подчеркнула, что селеном богаты бразильский орех , устрицы, морепродукты, яйца, сардины.**

**Константин МИХАЛЬЧЕСВКИЙ.**

# МЕН СЕВГАН АСАР



## Адабиёт

***Маълумки, санъатларнинг турлари ранг баранг. Уларнинг ичида адабиёт ҳам ўзига хос ўринга эга. Рассомчилик санъатининг қуроли мўйқалам, рақс санъатиники эса ҳаракатлар, адабиётнинг қуроли сўздир. Сўз буюк қудратга эга. Бир сўз билан инсон қалбини вайрон этса, бир сўз билан уни кўкларга кўтариш мумкин.***

Ҳаёт ва жамиятдаги барча ўзгаришлар асоси инсон тафаккуридир. Маълумки, тафаккур инсон руҳияти билан боғлиқ жараёндир. Инсон руҳиятини бойитиб борувчи асосий озуқа бу адабиётдир. Инсон руҳан баркамол, бой бўлса унинг маънавий салоҳияти ҳам юксак бўлади. Салоҳиятли инсоннинг иродаси бақувват, иймони бутун бўлади. Руҳияти кучли одам тўғри йўлдан тоймайди, эътиқодидан воз кечмайди. Шу боисдан ҳам ўзбек халқи азал-азалдан китобларга, бадиий асарларга бўлган қарашлари ижобий ва ўз фарзандларга бадиий асарларга бўлган қизиқишини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келган.

**Француз ёзувчиси Стендаль шундай гапи бор: “Адабиёт – катта йўлга қўйилган кўзгу”. Ҳақиқатда бадиий адабиётда инсон борлиғи намоён бўлади.**

Мен ўзбек адабиётининг энг нодир асарларини мутолаа қилишга доимо қизиқиб келганман. Шунингдек, ёш ижодкорларнинг ҳам ижодидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиламан. Яқинда қўлимга Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Маҳзуна” номли ҳикояси тушиб қолди. Ҳикояни зўр қизиқиш билан ўқидим. Ёзувчининг истеъдоди ўқувчини ўз асари билан лол қолдириш асносида, руҳан комилликни инъом этишидир. Ҳикояда оилани муқаддас санаш, унга гард юқтирмаслик аёллик бурчи эканлигини ич-ичидан ҳис қилишлик, шунингдек, ташқаридан кириб келган баъзи бир “маданий” ҳолатларни миллий руҳга ёт деб билиш ёрқин акс эттирилган.

Нормурод Норқобиловнинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссаси мустақиллик йилларида яратилган бўлиб, асарнинг бош қаҳрамони Эшназар полвон. Эшназар полвоннинг ҳар бир ҳаракати, қадам босиши, ўтириши, атрофга нигоҳ солиши, гапириш услуби маълум мақсад сари йўналтирилган. Яъни бу нарсалар у қандай шахс эканлигидан далолат беради. У ўз эътиқоди ва ақидасига эга шахс. Унингча мардликнинг, тантиликнинг, меҳр-оқибатлиликнинг асоси оиладир. Оилага қилча хиёнат аралашиши керак эмас. Шундагина насл тоза бўлади. Насли тоза инсоннинг гўшасига меҳр қўяди, садоқатли, вафодорлик тушунчалари барҳаёт бўлади. Уни муқаддас деб билади. Асли азал-азалдан ўзбек халқи оилани муқаддас санайди. Оиланинг етти пушти шу ақидага амал қилган ва бу ақидани узиш унинг аждодлари руҳига хиёнатдир. Лекин ўғли Ўсар бу қоидани бузади. Ҳатто отасига қўл кўтаради. Бундан ҳатто тоғу-тошлар, қоялар ҳам ғазабга келади. Бу ҳолатдан нафақат табиат инсон ҳам дилдан ларзага келади. Шарқ оламида ота-онага бўлган ҳурмат эътибор ўзгача. Ҳатто шундай анъаналар борки, уй ичида ота-она ўтирса ҳеч қачон фарзанд томнинг устига чиқмаган. Уларнинг кексайганларида ҳам ҳурмат – иззатларини ўз ўрнига қўйишган. Инсон ота-онасига қандай муносабатда бўлса, ўз фарзандидан ҳудди шу каби ҳолатни, шу каби эъзозни топади.

**Тоғлар ўз кўчкисини кўчиради, қалъадай тошлардан бири Ўсарни йиқитади, сўнг, каттароқ тош белидан босади. Асарни ўқир эканман инсон боласини фақат эзгу амаллар қилишга ундаш, ёмонликдан эса инсон бошига маломатлар ёғилишини эътироф этади. Ҳамда фалсафий сабоқ беради, кишини кўп нарсадан огоҳ этади.**

Ёмонликнинг умри қисқа бўлади дейишади, халқимиз. Инсон ҳаёти давомида фақат эзгу амаллар қилишга, яқинларига, жамики инсониятга яхшилик улашувчи инсон бўлиши даркорлигини яхши англаймиз. Аммо орамизда шундай инсонлар борки, мана шу амалларни англаб етсалар ҳам қон-қонига сингиб кетган фазилатларини яъни ўзгалар ҳаётини заҳарлаш, инсонлар дилини вайрон қилиш орқали хузурланиш, бошқалар йиқилиши унигча байрам бўлишини истайди. Аммо ўзи қазиган чоҳга ўзи йиқилишини билишмайди, билишса ҳам ўзини билмаганликка олишади. Асар қаҳрамони Эшназар полвон ўғли Ўсарни шу ниятларда катта қилмаган эди. Уни келажакда оиласига садоқатли, ота-онасига меҳрибон фарзанд бўлишини чин дилдан исташар ва уни мана шу йўлда тарбиялашга ҳаракат қилишган эди. Аслида ҳар бир ота-она ўз фарзандини мана шундай ниятларда катта қилади. Ҳаётда инсон қўли билан яратилган, юзага келган барча нарсаларни йўқотиш, бузиб ташлаш ёки аксинча барбод қилиши мумкин. Аммо ноҳақлик ва адолатсизлик туфайли инсоний ғурур ва шаънининг топталиши оқибатида, қалбда юзага келган дилхираликни йўқотиб ҳам ўчириб ҳам бўлмайди. Чунки у инсон вужудида жойлашади. Уни йўқотиш ўзини ҳам жисман йўқ қилиш демакдир. Маълумки инсон қалби нозик. Башарти инсоннинг инсонийлигини белгилаб берадиган шу туйғу устидан кулинса, мазах қилинса, бу ҳол дунёдаги барча ёвузликлардан кўра ҳам ёвузликдир. Нормурод Норқобиловнинг “Тоғ одами” қиссасида ҳам мазкур масалалар зўр маҳорат билан ёритиб берилган. Мазкур асар китобхонда катта тааассурот қолдириши айни ҳақиқатдир. Маълумки, ҳозирги ўзбек адабиётида аёл адибаларнинг ўрни ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Том маънода айтиш жоизки ҳозирги ўзбек адибалари ижодидан кўриш мумкинки, аёллар руҳияти, тақдири, уй ҳаёллари, орзу истакларини маҳорат билан тасвирлаб бера олишмоқда. Мана шундай ижодкорлардан бири таниқли адиба Жамила Эргашевадир. Адибанинг “Аёл жодуси”, “Шом шафағи жилвалари”, “Зулфизар”, “Қир устидаги аёл” сингари бир қатор асарлари китобхон қалбидан жой топа олган. Адибанинг “Аёл жодуси” китобидан ўрин олган “Танназул” қиссасида миллатнинг генофондига ўта ёмон таъсир кўрсатаётган иллат бўлмиш – ичкиликнинг асирига айланган одам фожиаси акс эттирилган. Эътиборлиси шундаки, ёзувчи қиссани муаммо кўтариш учун ёзмаган, балки ароқ исканжасидаги одам ва унинг атрофидаги турли шахсият эгалари қисматини холис тасвирлаш орқали ўқирманда муносабат уйғотишга эришган. Асарда ундов, чақириқ йўқ, одамийлиги турли даражадаги одамлар ва уларнинг руҳият дунёси тасвири бор.

Зиёдулланинг фожиасида ўзининг иродасизлиги ва бетайинлигидан ташқари, Назира исмли жувон ҳам катта ўрин тутади.

Асарда аёл тимсоли, унинг ички ҳис туйғуларини, уй хаёлларини маҳорат билан таъриф этади, тасниф этади. Аслида аёлнинг бахт-у саодати, ҳаётидан мамнун эканлигини ҳис қилдириш жуда осон назаримда. Зеро, аёлни хушнуд этиш осон. Унга жудда катта нарса керак эмас. Унга оиласинг, фарзандининг, турмуш ўртоғининг омонлиги муҳим. Аёл ўз бахтининг тўкислигидан ҳам баъзан чўчиб яшайди. Гўё ўз бахтига ўзининг кўзи тегишидан ҳам хафсирайди. Аммо мана шундай бахтдан мосиво бўлган аёллар ҳам атрофимизда талайгина эканлигини ва уларнинг ички кечинмалари, орзу умидлари, интилишларини чизиб бера олган адиба мазкур асарида Ирода образи орқали намоён эта олган.

## Хулоса ўрнида

***Бадиий асар доимо инсониятнинг маънавий оламини янада бойитиши, эзгуликни тараннум этиши, инсон қалби, уй-кечинмалари, ҳаёт тарзи ва умр йўллардаги савобли ишларининг давомийлигини тарғиб этади, яхшиликнинг умрбоқийлигини баён этади. Бу эса ёшлар таълим-тарбиясида жуда муҳим манбадир.***

**Шавкат ҲАКИМОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти Фармация факультети Касбий таълим йўналиши, 3-курс, 301-А гуруҳ талабаси.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникакциялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 632 нусха.
Буюртма Г-140

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.